

**Азиз сайловчилар!**  
**Бизнинг номзодларга**  
**овоз берсангиз, асло**

## Наманган: ўн йилга бир назар...

Бугун Наманган ҳақида гап кетса кўпчилик бе-  
ихтиёр фахр-ифтихор билан яхши фикрларни бил-  
диради. Зеро, бу гапларда жон бор. Наманган  
ҳақиқатан ҳам истиқболи порлоқ шаҳар. Шу боис-  
дан ҳам кун сайин чирой очиб, гуллаб-яшнаб бор-  
моқда. Унинг беқийс ривож эса кейинги пайтда  
чинакамига кўпчилиكنинг ҳайратини ошираяпти.  
Бунга ўзимиз ҳам бир неча бор гувоҳ бўлганмиз.  
Вилоятга қилган хизмат сафарларимизда кўпинча  
шаҳарда ўтказилаётган бирон бир оммавий бай-  
рам ёки тантаналарнинг устидан чиққанмиз. Эҳти-  
мол «Шундай бўлса бордир, бироқ бунинг учун шу

қадар ҳайратланиш шартми? Ахир ҳозир ҳамма ерда  
ҳам шундай манзаранинг гувоҳи бўлинадими?» дер-  
сиз. Тўғри. Аммо кўпчилиكنинг меҳрини қозониб, қал-  
бининг тўридан жой олиб, турли оммавий тадбир-  
ларни ўтказиш, бу билан келажаги буюк давлати-  
мизнинг кудратига ишонч ҳиссини кучайтириш, Ва-  
танга меҳру-муҳаббат, чексиз садоқатни қарор то-  
птиришдан ҳам улғурок иш борми? Бир гал Наманган-  
да бўлганимизда мактаб ўқувчиларининг битирув ке-  
часининг устидан чиқдик. Шаҳарнинг энг асосий кўча-  
лари, боғу ҳибоблари ёшлар ихтиёрига бериб қўйил-  
ган. Юз-кўзларидан нур ёғилиб турган гулгун чеҳра-

лар шаҳар маъмурулари томонидан ташкил этилган  
оммавий сайл ва хайрлашув оқшомида қатнаш-  
дилар. Бутун Намангани шу кун байрам руҳи қа-  
мраб олди. Бу – байрамлари ўзига ярашган жона-  
жон дийримизнинг бир кўркам шахрида рўй бе-  
раётган оддий бир воқеа, холос. Аслида Наман-  
ганда ҳар кун шундай: байрамлар кетидан бай-  
рамлар, тадбирлар ортидан тадбирлар улашиб ке-  
тади. Мутасаддилар эса ҳар доим бунга шароит  
ва имконият топишади. Энг муҳими, бундай  
қувончли онлар иштирокчиларнинг қалбида узоқ  
йиллар сақланиб қолади.



# ИСТИҚБОЛИ НУРАФШОН ШАҲАР

Аслида Наманган қадимги шаҳарлардан. Бу  
сўлим гўшада не-не улғу алломулар, шоир фузалар  
яшаб ўтишмаган, дей-  
сиз. Улар бугунги дорилар  
мон кунларни жуда-жуда  
орзу қилишган. Оташ на-  
фас шоир Бобораҳим  
Машраб, Усмон Носирлар  
Намангани чинакамга  
озод ва ҳур кўрмоқлики  
истаганлар. Ўзбекистон  
мустақил бўлган, ота-бобо-  
ларимизнинг, улғу аллому-  
ларнинг бу азалий орзу-  
армонлари ушалди. Истиқ-  
бол боис бу кўркам шаҳар  
ўзгача файзу тароват кашф  
этди. Янада яшнаб, чирой  
очиб, таниб бўлмас дара-  
жада ўзгариб кетди. Сир  
эмас, 90-йилларга қадар  
ҳам шаҳарда тор ва паст-  
қам кўчалар, бир хил  
қолипдиги уйлар, кўрмисиз  
ва харидорлар учун шаро-  
итлари етарли бўлмаган  
бозорлари бор эди. Кўча-  
ларда эски, йўловчилар та-  
лабига тўла жавоб берол-  
майдиган автобуслар қат-  
нардди.

Мустақиллик йилларида  
шаҳар бутунлай ўзгариб  
кетди. Илгариги тор кўча-  
лар ўрнига кенг ва раво  
йўллар бунёд этилди. «Бо-  
буршоҳ», «Дўстлик»,  
«Марғилон», «Оромгоҳ»,  
«Ҳўш» кўчалари тубдан  
қайта ташмирилди. Бугун  
йўлларнинг раволигидан,  
уларга ўрнатилган манза-  
рели чироқларнинг тунги  
шўъласидан баҳри-дили-  
гиз очилади.

Наманган азалдан ўзи-  
нинг хунармандлари билан,  
савдогарлари билан  
мон қозонган. Шаҳарнинг  
турли бурчларида кичик-  
кичик бозорчалар бўлиб,  
савдогарлар, хунарманд-  
лар, деҳқонлар ўз махсу-  
лотлари билан ана шу бо-  
зорларда савдо-сотик  
қилишган. Кейинги 10 йил  
ичида ана шу бозорлар  
ўрнида бир-бирдан чирой-  
ли ва гузал иншоотлар  
барпо этилди.

«Жаҳон бозори»нинг

нидан тўғридан тўғри кири-  
тилган сармоя 30 миллион  
АҚШ долларини ташкил  
этди.  
Химия заводи ҳам хом  
ашё масаласида анча  
қийинчиликларни бошдан  
кечирди. Корхона мулкчилик  
шаклини ўзгартирди. «Кар-  
бонам» номли хиссадорлик  
жамиятига айлантирилди.  
Ана шу корхонада бугун му-  
ҳим аҳамиятга эга бўлган  
маҳсулот ишлаб чиқариш  
лояҳисига асос солинди.  
Корхона хом ашёсидан 18  
турдаги нобё маҳсулотлар  
ишлаб чиқариш мумкин. «Ас-  
намтекстил», «Наманган-  
консерва», «Наманган-  
«Силк Роад» сингари корхона-  
ларда ҳам мустақиллик  
шарофати билан қатор иқти-  
содий ўзгаришлар қилинди.

Қурилиш-ободонлашти-  
риш борасида айнакча, ша-  
ҳарда кенг қўлмали ишлар  
амалга оширилди. Шаҳар  
марказида Амр Темур, Бо-  
бур ҳибоблари, «Тинчлик»  
майдони, Машраб номли бог  
бунёд этилди. Бобур номли  
боғнинг кўркам ва салобат-  
ли рамазий дарвозаси ўрна-  
тилди. Бу жойлар бугунги  
кунда халқимизнинг, айниқ-  
са, ёшларнинг маънавий-ма-  
даний ҳордиқ чиқарадиган  
сўлим гўшаларига айланган.  
Айни кунларда Бобур боғи  
худоиди «Хотира» майдони  
барпо этилмоқда.

Шаҳарда халқ таълими ва  
соғлиқни сақлаш муассаса-  
ларининг моддий базасини  
мустаҳкамлашга катта эъти-  
бор қаратилди. 10 йил ичи-  
да қатор муассасалар қуриб  
қўйилди. Бобуршоҳ кўча-  
сида академик лицей учун  
300 ўринли ўқув корпуси  
ҳамда 276 ўринли ётоқхона  
биноси, «Дўстлик» кўчасида  
трансспорт-алоқа коллежи  
ҳам бир қатор ишлар бажари-  
рилди. Шаҳар марказида  
бўлиб этилган тез тиббий  
ёрдам қўрсатиш давлат ил-  
мий маркази, эндохронология  
маркази, «Она ва бола»  
маркази, кўпгина маҳалла-  
ларда эса амбулаториялар  
ишга туширилди.

Наманганда Давлатобод  
тумани ҳам қўшиб ҳисоб-  
лаганда 80 тага яқин маҳал-  
ла бор. Бу маҳаллаларни  
ободонлаштириш, маҳалла  
фуқаролар йиғинлари учун  
шароитлар яратишга ҳам  
алоҳида эътибор берилди  
деяли барча маҳаллаларнинг  
идоралари янгиланди. Акса-  
рият маҳаллаларда гузарлар  
қурилди. Маҳалла фуқаролар  
йиғинлари бунга жавобан  
ободонлаштириш, тинчлик-  
осойишталикни барқарор  
саклаш, аҳолининг кам таъ-  
минланган қисмига моддий  
ёрдам ва нафақа пулларини  
тайинлаш ва тарқатиш,  
қоммунал тўловларни уни-  
рати сингари масалаларда  
ўзларига юклатилган вази-  
фаларни сидқидилдан бажари-  
б келмоқдалар.

Мустақиллик наманган-  
ликларнинг маънавий онги-  
да ҳам катта ўзгаришлар  
ясади. Қарийб 10 йилдирки,  
«Наврўз» ва «Мустақиллик»  
байрами шаҳарда кенг ни-  
шонланади. Дастлаб маҳал-  
лаларда, корхона, ташкилот,  
муассасаларда бошланган  
байрам тадбирлари ни-  
ҳоят шаҳар марказига – Бо-  
бур номли боғга кўчади. Шу  
кун бугун ҳар қачонгидан ҳам  
гавжум бўлади. Шаҳардаги  
деярли барча корхона, таш-  
килотлар, маҳаллалар ўзла-  
рига ажратилган жойни бай-  
рамона безатишади. Бунда  
кадриятларимизга, миллий  
анъаналарга кўпроқ аҳами-  
ят берилди. Байрам якуни-  
да энг фаол иштирок этган  
жамоалар шаҳар ҳокимлиги,  
ҳокимиятнинг қимматбаҳо  
эсдалик совғалари билан  
тақдирланадилар.

«Гул байрами» ҳам Наман-  
ганнинг азалий байрамлари-  
дан бири. Мустақиллик йил-  
ларида байрамнинг мазму-  
ни ҳам анча тақомиллашди.  
Асосий эътибор одамларда  
истиқлолнинг қадрига етиш,  
гузаликни улғулаш, ободон-  
лаштириш ишларига муҳаб-  
бат уйғотишга қаратилмоқ-  
да.

Наманганликлар ўзининг  
оташнафас фарзанди Бобо-  
рахим Машраб билан фахр-  
ланадилар. Шоирнинг номи-  
ни абадилаштириш бораси-  
да ҳам бир қатор ишлар

амалга оширилди. 50 гек-  
тар майдонга эга бўлган  
Машраб номли боғга асос  
солинди. Бу ерда шоир  
бўлган мамлакатлар, ша-  
ҳар қиёфаси акс этган  
мажмуалар бунёд этилди.  
Ҳар йили машрабхонлик  
кунларини ўтказиш одат  
тусига кирди. Хуллас, мус-  
тақиллик Наманган шаҳри-  
нинг, наманганликларнинг  
ижтимоий, иқтисодий, ма-  
даний ҳаётида туб ўзга-  
ришлар ясади. Наманган-  
ликлар мустақиллигимиз-  
нинг 10 йиллик тўйини му-  
носиб совғалар билан қу-  
тиб олиш учун барча соҳа-  
ларда изиланиб меҳнат қил-  
моқдалар.

Биз шу ўринда шаҳар  
ҳаётининг айрим қирралар-  
игагина тўхталдик, холос.  
Излаган имкон топади. Бу-  
гун Наманганда бунинг ўд-  
асидан чиқишмоқда. Ша-  
ҳарнинг меҳнат аҳли ян-  
гиликларни сари дадил ин-  
тилиб, изиланиш эвазига  
масалаларнинг ечимини  
муваффақиятли ҳал этаёт-  
ти. Ўз навбатида уни яна  
да обод этиш йўлидаги  
ишлар қизғин давом этти-  
рилмоқда. Катта ўзгариш-  
ларга дадил йўл очётган,  
қўллаб-қувватлашчи дадил  
қўллаб, халқнинг меҳрини  
қозонган шаҳарнинг ишчан  
ҳокими, узоқни кўзлаб иш  
юритадиган қатъиятли  
раҳбар, Олий Мажлис  
депутати Мухаммаджон  
Тожибоевнинг таъбири билан  
айтганда, Наманган  
шаҳри ҳали бундан ҳам  
гуллаб-яшнайдди. Ўрт ра-  
наки, халқ фаровонлиги  
йўлида қўллаб-қувватлаш  
килади. Наманганликлар  
Ўзбекистон мустақиллиги-  
нинг ўн йиллигига муносиб  
совға ҳозирлашади. Бугун  
ҳамма ана шундай улғу-  
ний йўлда сидқидилдан  
ишламоқда.

Тўхтамурод ТОШЕВ,  
Рустам АХМАДАЛИЕВ,  
«Адолатнинг» махсус  
мухбирлари.

СУРАТЛАРДА: Наманган  
шаҳри манзаралари.

## Хат босилмади, аммо чора кўрилди

### НАВБАТГА КИРИТИЛГАН

Денов тумани Ал Бухорий номли кўчаси 92-  
уйда истиқомат қилувчи фуқаро Д. Аюбованинг  
ер участкаси ололмаётганлиги тўғрисида «Адо-  
лат» газетасига ёзган аризаси атрофлича ўрга-  
ниб чиқилиб, қуйдагилар маълум қилинмоқ-  
да.

Текшириш жараёнида фуқаро Д. Аюбова 1991 йил  
Охунбобоев номли ширкат ҳужайи «Янгиобод-1» ма-  
ҳалласида яшовчи Аюбов Абдуҳалил билан қонуний  
ниҳоддан ўтиб, турмушга чиққанлиги, оилавий келиш-  
мовчиликлар натижасида 1996 йил ноябрь ойида қонун-  
ий ниҳок бекор қилинмай турмуш ўртоғи билан аж-  
рашганлиги аниқланди.

Фуқаро Д. Аюбова ҳозирги кунда Ал Бухорий номли  
кўчаси 92-уйда, яъни ота-онанинг қарамлигида яшаб  
келмоқда ва 3 нафар фарзанди учун белгиланган тар-  
тибда алимент пули олмақда.

Бундан ташқари фуқаро Д. Аюбовага 16-сонли Х.  
Муродов номли маҳалла фуқаролар йиғини томонидан  
2001 йил июнь ойидан бошлаб 16 ёшгача болалар  
нафақаси тўланмоқда.

Шунингдек, ариза муаллифи уй-жой қуриш учун ер  
сўраб ёзган аризаси Денов шаҳар яқна тартибда уй-  
жой қурилишини мувофиқлаштириш бошқармаси то-  
монидан 1998 йилда умумий навбатга киритилганли-  
ги ва белгиланган тартиб асосий уй-жой қуриш учун  
ер майдони ажратилиши тушунтирилди.

### ТАСДИФИНИ ТОПМАДИ

Шунингдек, Денов шаҳри Шерозий номли  
кўча 34-уйда истиқомат қилувчи фуқаро Ю. Кор-  
жовдиевнинг уй қуриш учун ер участкаси олол-  
маётганлиги тўғрисида «Адолат» газетасига  
йўллаган аризаси атрофлича ўрганиб чиқилди.

Текшириш жараёнида фуқаро Ю. Коржовдиев 1988-  
89 йиллар мобайнида ер участкаси олиш учун умуман  
навбатга турмаганлиги, аксинча 1996 йилда ер участ-  
каси олиш учун Денов шаҳар яқна тартибда уй-жой  
қурилишини мувофиқлаштириш бошқармасига муро-  
жаат қилганлиги аниқланди.

Шунингдек, ариза муаллифи Ю. Коржовдиевга уй-  
жой қурилиши учун навбат асосида ер майдони ажра-  
тиб берилиши тушунтирилди. (Бу ҳақда Денов шаҳар  
яқна тартибда уй-жой қурилишини мувофиқлаштириш  
бошқармасининг 2001 йил 17 июлда 327-сонли ҳа-  
ва муаллифини тушунтириш хати илова қилинмоқда).

Ариза муаллифи Ю. Коржовдиевнинг ҳозирги кунда  
оиласида 6 киши, яъни онаси, турмуш ўртоғи, ўзи ва  
уч нафар фарзанди билан 6 хонали 0,04 га ер май-  
донли ҳовлида истиқомат қилиб, 1 та оилани ташкил  
қилганлиги сабабли аризада 3 та оила истиқомат қила-  
ди деб қўрсатган факти ўз тасдиқини топмади. (Бу  
ҳақда Денов шаҳар С. Раҳимов номли 1-сон маҳалла  
фуқаролар йиғинининг маълумотномаси илова қилин-  
моқда).

Текшириш натижаси ҳақида ариза муаллифига ёзма  
равишда маълум қилинди.

Р. НУРАЛИЕВ,  
Сурхондарё вилояти ҳокимининг ўринбосари.

### ҲАКИНИ ОЛАДИГАН БЎЛДИ

Деҳқонбод тумани Бошқорбоғ ширкат ҳўжа-  
лигида яшовчи фуқаро Н. Аҳмедовнинг «Адо-  
лат» газетаси муҳарририятига ёзган шикоят ари-  
заси маҳалла мухтасислар томонидан ўргани-  
б чиқилди.

Аризада фуқаро Н. Аҳмедова турмуш ўртоғи (мар-  
ҳум) Г. Саидовнинг иш ҳақлари ва фойдаланилмай қол-  
ган меҳнат таътиллари пулини ҳозирчага ололма-  
ётганлиги ҳамда турмуш ўртоғининг 1-гурӯх ногирон-  
лик нафақасини олишда амалий ёрдам бериши сура-  
ган.

Ҳақиқатдан ҳам фуқаро Н. Аҳмедованинг турмуш  
ўртоғи Г. Саидов 2000 йилда вафот этган, аммо унинг  
иш ҳақлари, фойдаланилмай қолган меҳнат таътиллари  
иш компенсация қилиниб, унинг оила аъзоларига тўлан-  
маганлиги маълум бўлди.

Бошқорбоғ ширкат ҳўжалиги раиси Н. Бобоев ва  
бош ҳисобчи Ч. Асқадовлар фуқаро Н. Аҳмедованинг  
турмуш ўртоғининг иш ҳақлари, фойдаланилмай қол-  
ган меҳнат таътиллари пулиларини тезда тўлаб бе-  
риш топирилди.

Фуқаро Н. Аҳмедовага турмуш ўртоғининг 1-гурӯх  
ногиронлик нафақасини олиш масаласида Деҳқонбод  
туман Ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат қилиш  
тушунтирилди.

### КУДУҚ ҚАЗИБ, СУВ ЧИҚАРИЛАДИ

Чироқчи туман ҳокимлиги томонидан Ф. Ҳўжа-  
ев номли ширкат ҳўжалигининг «Пахталисий»  
қишлоғида яшовчи Б. Шерматовнинг аҳолини  
тоза ичимлик суви билан таъминлаш тўғрисида  
«Адолат» газетасига ёрдам сўраб ёзган ариза-  
си ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш жараёнида ҳақиқатдан ҳам ушбу қишлоқ  
аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш борасида  
қийинчиликлар мавжудлиги аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг  
2000 йил 25 октябрдаги 417-сонли «2000 йилнинг 4-  
чораги ва 2001 йилда сув таъминоти бўлимига таъин-  
лаштиришга доир чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига  
асосан «Пахталисий» қишлоғида артезиан кудук қазиб  
ишлари шу йилнинг 4-чорагига режалаштирилган. Ку-  
дук қазиб ишлари бошланиши билан қишлоқда ичим-  
лик суви таъминоти яхшиланади.

Ш. САТТОВРОВ,  
Қашқадарё вилояти ҳокимининг  
биринчи ўринбосари.



Ассалому алайкум ҳурматли тахририят ходимлари!  
Киши бошига иш тушганда чин дўст билан шунчаки дўстининг  
фарқи тез билиниб қолар экан. Яхшиямки, дунёда дийнати, инсо-  
фу виждонли одамлар кўп. Мен бунга ўз бошимдан ўтказиб туриб-  
ман. Ўзим Ангрэн шаҳридаги 5-урта мактабда ўқитувчи бўлиб иш-  
лайман. Икки ўғил, бир қизимиз бор. Турмуш ўртоғим Зоиджон  
Омонов ҳам ўрта махсус маълумотли зоотехник. Давлатимиз раҳ-  
бари И. А. Каримов яратиб бераётган имкониятлардан фойдала-  
ниб, кичик хусусий фирма очиб тузуккина ишлаб турган эдик. Аммо  
қутулмаганда турмуш ўртоғим бир танишига ёрдам қиламан, деб  
билиб-билимай жиньотга қўшилиб қолди. Бугун ўша хатосининг жа-  
б-рини тортмоқда.

Республикамиз Президентининг юргизаётган инсонпарварлик сиёсати  
туғайли «2001 йил – Оналар ва болалар йили» деб эълон қилинди. Бунга  
миллион-миллион бағри бутун оналар қатори мен каби дили вайрон –  
болаларга ҳам оналик, ҳам оталик меҳрини бераётган оналарга қўрсати-  
лаётган катта ҳурмат ва эътибор, деб билдим. Мен жазони ижро этиш  
муассасасига турмуш ўртоғим билан қисқа муддатли учрашувга борган кун  
шун муассаса раҳбарияти томонидан яратиб қўйилган маҳкумлар билан  
уларнинг оила аъзолари учрашадиган «дийдорлашув» биносидаги ажойиб  
шарт-шароитларни кўриб яна бир қарра биз оналар ва болаларга бўлган  
эътиборни, Президентимиз сиёсатининг амалдаги ижросини юрак-юракдан  
ҳис этдим.

Яқинда турмуш ўртоғимдан қувонч тўла хат олдим.  
Хатда ЖИЭМ бошлиғи ва муассаса маъмуриятининг қарорига мувофиқ  
«1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўни» муносабати билан ҳамда  
Нодир китоб – «Авесто»нинг яратилганлигининг 2700 йиллигини, Ўзбеки-  
стон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллик юбилейини муносиб нишон-  
лаш учун июнь ва июль ойларида қўйилаётган тайёргарлик ва ўтказилаёт-  
ган тадбирларда фаол қатнашиб, муассаса ишларида тартиб-интизомда,  
намунали ҳулқ-атворда, топириқларни ўз вақтида аъло даражада бажари-  
ришда, ижтимоий-фойдали меҳнатда урناк бўлаётган маҳкумлардан бир  
гурӯҳини рағбатлантириш мақсадида «муддатидан илгари оила аъзолари,

### Миннатдорчилик мактублари

хусусан, барча фарзандлари билан узоқ муддатли учрашув – «дийдорлашув»  
билан тақдирланганликлари ёзилган эди.

Шулар қатори меннинг турмуш ўртоғим Зоиджон Омоновга ҳам намунали  
фаолият қўрсатганлиги учун шундай имтиёз берилибди.

Мен дарҳол 3 нафар фарзандларим – 11 ёшли Фарруҳжон, 8 ёшли Муаз-  
замжон, 5 ёшли Бобурмиро ва 66 ёшли қайнонам Норбиби Омонова билан

«СИЗНИ КУТАЯПМИЗ,  
ДАДАЖОН!»

йўлга чиқдик. Муассаса маъмуриятининг барча ходимлари бизни ва биз каби  
бошқа вилоятлардан келган яна бир нечта оила аъзоларини илик қутиб олиш-  
ди, ҳужжатларни расмийлаштиришда ҳар томонлама кўмак беришди. Бир йўла  
22 оилга мулкжалланган алоҳида-алоҳида хоналар, ошхона ва чойхоналар,  
санитария қўлайликлари, йўлаклардаги тартиб-интизом, яратиб қўйилган шарт-  
шароитига баҳо йўқ. Дид билан безатилган хоналарнинг ҳаммаси стол-стул,  
диван-крават, чойнак-пиёла, идмш-товоклар билан етарлича таъминланган.  
Бино пештоқига қизилган фарзандини бағрига босиб, кўзлари тўла ўқинч

билан йўлга термулган ёш она ва 4-5 ёшли қизчанинг соғинч тўла нигоҳи  
акс эттирилган каттақон сурати ва суратда ёнига битилган: «Биз сизни  
кутаяпмиз, дадажон» деган жумла ҳар қандай тош қалбни ҳам юмшатади.  
Дийдорлашув маскани бир қарашда худди тўйхонага ўхшаб кетарди.  
Ҳаммининг юз-қўзида қувонч, табассум, кулгу. Ўз оиласи билан истаган  
тансиқ таомини тайёрлашиб, ким палов, ким димлама-ю, ким қовурма пи-  
ширган. Ким-кимни меҳмонга қақирган. Айниқса, отаси дийдорига етган  
болаларнинг шўх-шодонлиги-ю, қувончининг чегараси йўқ.

Шу пайт қутулмаганда муассаса бошлиғининг тартиб-биз ва тезкор ишлар  
бўйича ўринбосари, ички хизмат капитани Раффорхўжа Юнусов «дийдор-  
лашув» ҳовлисига кириб келиб, кекса оналар билан бирма-бир самимий  
сўрашди, ҳовлида югуришиб юрган болақайлар билан худди ўз болалари,  
ўз набираларидек эркалаб гаплашишлари, бизга яратилган шарт-шароит-  
лар билан шахсан қизиқиши дийдорлашувга келган биз барча оналарда,  
маҳкумларнинг ака-укалари, қариндош-уруғлари қалбида алоҳида ҳушнуд-  
лик ва ҳурмат уйғотди.

Раффорхўжа Юнусов қисқа суҳбатлашув чоғида давлатимиз раҳбари  
И. А. Каримовнинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш тизимида ўтказаятган ислохотлари  
ва инсонпарварлик сиёсати туғайли муассаса маъмурияти томонидан маҳ-  
кумларга ва уларнинг оила аъзоларига қисқа ва узоқ муддатли учрашувлар  
ўтказишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилаётгани, тузалиш йўлига  
ўтган маҳкумлар озоликка чиқиб кетаётганлиги ҳақида гапириб дилимизга  
далла берди.

Ҳурматли тахририят! Шу ўринда Президентимизнинг болалар ва оналар-  
га қўрсатаётган ғамхўрлигини амалда қарор топтириб шундай шароит ва  
шундай қувонч тўла дийдорлашув онларини яратиб берганлиги учун маъзур  
жазони ижро этиш муассасаси раҳбари, ички хизмат подполковниги Ну-  
риддин Баратов ҳамда муассасасининг барча ходимларига бизнинг кекса  
миннатдорчилигимизни газетангиз орқали етказишимизни илтимос қилиш-  
дим.

Ниҳоят, дийдорлашув онлари охирилади. Хайрлашаётган кунимиз турмуш  
ўртоғимга шу ердаги болани кўтариб турган улкан панони қўрсатиб қўлу-  
гига аста шивирладим: «Биз сизни кутаяпмиз, дадаси!»...

Зубайда ҲАРАОВА.



НИ ФАКТИ ВА РАҚАМЛАР УЧУН  
ЎЗ ЖАВОБ БЕРАДИЛАР.  
ЎНЛАРГА ҚЎЙТИРИЛМАЙДИ.

ТАВ АКЦИОНДОРЛАК КОМПАНИЯСИ  
УЎЛА ЧОН ЭТЎЛАДИ.  
ЎН: «Буюк Турон» кўчаси, 41.  
20.00. Ўзбекистон тошхиралди 20.00.

ЎНИЛИМИЗ:  
ЎНШЕНТ ШАХРИ,  
ЎН КЎЧАСИ-32.